



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 12 май сошанба
Сотувда эркин нархда
№ 94 (1875)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АМАЛИЙ ИШЛАР ЭКО ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН


Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 10-11 май кунлари ЭКО — Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашувида қатнашиш учун Алмати шаҳрига ташриф буюрди

Алмати аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотини 1977 йили Эрон, Покистон ва Туркия давлатлари биргаликда ташкил этган эди. 1992 йили Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Афғонистоннинг қўшилиши билан мажкур ташкилотнинг ҳудудий қамрови анча кенгайди, унга аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиши учун қулай имкониятлар туғилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, Президент Ислом Каримов доимо ЭКО — иқтисодий ташкилот эканлигини, бинобарин, унинг фаолиятини сиёсийлаштириш ва мафқуралаштиришга йўл қўйиб бўлмасталигини қатъият билан таъкидлаб келди. Давлатимиз раҳбарининг фикрича, бу ташкилот “ўз моҳияти, ўз номи ва вазифаси бўйича иқтисодий, гуманитар ва коммуникацион муаммоларни ҳал этиши лозим”.

Давлатимиз раҳбари учрашувга жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан бўлган суҳбатда ҳам ана шу нуқтага назарини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистоннинг ЭКО фаолиятида қатнашшидан кўзда тутилган мақсадлар ҳақида тўхтади. Биринчидан, бу ташкилот ишида иштирок этиш бизга қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун зарур. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъмин-



лашга хизмат қилади. Иккинчи мақсад эса, минтақадаги гуманитар муаммоларни биргаликда ҳал этиш, тарихий заминни бир бўлган халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборатдир. Учинчи, энг муҳим вазифа — бу мавжуд табиий салоҳиятимизни дунёга олиб чиқиш учун коммуникация тармоқларини вужудга келтиришдан иборатдир. Чунки бу муаммони ҳал этмай туриб, 300 миллион аҳоли яшайдиган улкан ҳудудда иқтисодий тараққиётга эришиш қийин.

Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашуви Алматидаги муҳташам “Анқара” меҳмонхонасининг мажлислар залида бошланди. Туркманистон

Президенти С.Ниезов ЭКОга раислик қилиш ваколатини Қозғоғистон Президенти Н. Назарбоевга топширди. Қозғоғистон раҳбари Учрашув қатнашчиларини мушоракбод этиб, анжуманини очиб деб эълон қилди.

Сўнг саммит қатнашчилари — Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, шунингдек, ЭКО бош қотиби ҳамда бир неча нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг нутқ ва матърузалари тингланди.

Нотияқ ЭКО доирасидаги ҳамкорлик бераётган илк самаралар ҳақида тўхталиб, минтақа мамлакатларининг иқтисодиёт, маданият, коммуникация соҳалари-

да биргаликда амалга оширажак лойиҳалари тараққиётимизни тезлаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш йўллари муҳокама қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ҳар қандай халқаро ташкилотнинг, жумладан, ЭКО ва унинг ижроия қўмиталарининг фаолиятини ҳам баҳолашда амалий ишлар асосий мезон бўлиши лозимлигига саммит қатнашчиларининг эътиборини қаратди. Халқларимизга қуруқ ваъдалар, баланшарвоз шпюр ва ташаббуслар эмас, балки амалий, аниқ

ишлар керак. Ҳеч ким бундай юксак минбарлардан сиёсий обрў орттириш, бошқаларга ўз қарашларини тикиштириш мақсадида фойдаланмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Саммит қатнашчилари минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, ЭКОнинг келгуси фаолиятини такомиллаштириш йўллари белгиланган Алмати Декларациясини тасдиқладилар. Шунингдек, аъзо мамлакатлар ўртасида юк ташиш борасидаги тўсиқларни бартараф этишга, контрабандага қарши биргаликда курашишга қаратилган ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг Алматига сафари чоғида унга Бош вазир ўринбосари, макрореги-

содиёт ва статистика вазир Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазир А. Комилов, Президентнинг матбуот қотиби А. Зиёев ҳамроҳлик қилди.

11 май кунини Президент И. Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Аҳмад ХУҶА, (ЎзА).
Тошкент — Алмати — Тошкент.
СУРАТДА: учрашув пайти.
Фарҳод ҚУРБОНБОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ V УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Раис жаноблари,
Муҳтарам Бош қотиб жаноблари,

Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари,

Бу ерда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларини қўллаш ҳамда ҳамкорликдаги ишимиз халқларимиз ва давлатларимиз раванқи йўлида самарали бўлади, деб ишонч билдириш менга улкан мамнуният бахш этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар худуди ноёб геостратегик макон бўлиб, бой маданий мерос, қадимий цивилизация ва гўзал анъаналарга эга.

Қўпгина мамлакатлар минерал ресурслар ва энергетик қосимчаларнинг мавжуд ҳажми, транзит инфратузилма барпо этиш имкониятлари бўйича минтақадагина эмас, бутун дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг доирасидаги ҳамкорликнинг ўтган олти йили мобайнида маълум шарт-шароитлар, зарур ҳуқуқий ва метёрий асос барпо этилди, минтақадаги мамлакатлар тараққиёт-

ти учун муҳим аҳамиятга эришди вазиқларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларини бирлаштириш имконини берадиган сезиларли таъжирба тўпланди.

Айни пайтда шунингдек эътироф этишимиз лозимки, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотининг бешинчи учрашуви Алматидаги муҳташам “Анқара” меҳмонхонасининг мажлислар залида бошланди. Туркманистон Президенти С.Ниезов ЭКОга раислик қилиш ваколатини Қозғоғистон Президенти Н. Назарбоевга топширди. Қозғоғистон раҳбари Учрашув қатнашчиларини мушоракбод этиб, анжуманини очиб деб эълон қилди.

Сўнг саммит қатнашчилари — Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, шунингдек, ЭКО бош қотиби ҳамда бир неча нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг нутқ ва матърузалари тингланди.

Нотияқ ЭКО доирасидаги ҳамкорлик бераётган илк самаралар ҳақида тўхталиб, минтақа мамлакатларининг иқтисодиёт, маданият, коммуникация соҳаларида биргаликда амалга оширажак лойиҳалари тараққиётимизни тезлаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш йўллари муҳокама қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ҳар қандай халқаро ташкилотнинг, жумладан, ЭКО ва унинг ижроия қўмиталарининг фаолиятини ҳам баҳолашда амалий ишлар асосий мезон бўлиши лозимлигига саммит қатнашчиларининг эътиборини қаратди. Халқларимизга қуруқ ваъдалар, баланшарвоз шпюр ва ташаббуслар эмас, балки амалий, аниқ

ишлар керак. Ҳеч ким бундай юксак минбарлардан сиёсий обрў орттириш, бошқаларга ўз қарашларини тикиштириш мақсадида фойдаланмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Саммит қатнашчилари минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, ЭКОнинг келгуси фаолиятини такомиллаштириш йўллари белгиланган Алмати Декларациясини тасдиқладилар. Шунингдек, аъзо мамлакатлар ўртасида юк ташиш борасидаги тўсиқларни бартараф этишга, контрабандага қарши биргаликда курашишга қаратилган ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг Алматига сафари чоғида унга Бош вазир ўринбосари, макрореги-

содиёт ва статистика вазир Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазир А. Комилов, Президентнинг матбуот қотиби А. Зиёев ҳамроҳлик қилди.

11 май кунини Президент И. Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Аҳмад ХУҶА, (ЎзА).
Тошкент — Алмати — Тошкент.
СУРАТДА: учрашув пайти.
Фарҳод ҚУРБОНБОВ олган сурат.

Муҳтарам Раис жаноблари,
Муҳтарам Бош қотиб жаноблари,
Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари,

Бу ерда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларини қўллаш ҳамда ҳамкорликдаги ишимиз халқларимиз ва давлатларимиз раванқи йўлида самарали бўлади, деб ишонч билдириш менга улкан мамнуният бахш этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар худуди ноёб геостратегик макон бўлиб, бой маданий мерос, қадимий цивилизация ва гўзал анъаналарга эга.

Қўпгина мамлакатлар минерал ресурслар ва энергетик қосимчаларнинг мавжуд ҳажми, транзит инфратузилма барпо этиш имкониятлари бўйича минтақадагина эмас, бутун дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг доирасидаги ҳамкорликнинг ўтган олти йили мобайнида маълум шарт-шароитлар, зарур ҳуқуқий ва метёрий асос барпо этилди, минтақадаги мамлакатлар тараққиёт-

ти учун муҳим аҳамиятга эришди вазиқларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларини бирлаштириш имконини берадиган сезиларли таъжирба тўпланди.

УРУШ ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига қатта мусибат келтирди: 50 миллион киши ҳаётдан бераёт қўз юмди, кўпгаб одамлар майиб, мажруҳ бўлиб қолди. Ўзбекистонда ҳам бу уруш жабрини тортмаган хонадон қолмади, ҳисоб. 450 мингдан кўпроқ Ўзбек ўғлони жанг майдонларидан қайтиб келмади.

9 Май — Ғалаба кунини мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимизнинг Мустиқлик майдонидаги Номаълум аскар қабрини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Мангу олов ёниб турган зиёратгоҳга Ўзбекистон Олий Мажлиси, Республика Вази́рлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамоатчилиги вакиллари, Мудоффа вази́рлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

1941-1945 йиллардаги урушда оғир ярадор бўлиб Тошкент госпиталларида ҳаётдан қўз юмган жангчилар дафн этилган “Биродорлик қабристонини” ҳам шу кунини одамлар билан гавжум бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу ердаги “Мотамсаро она” меъморал ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Едгорлик пойига республика Олий Мажлиси, Вази́рлар Маҳкамаси, Мудоффа вази́рлиги, уруш ва меҳнат фахрийлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар жамоатчилиги номидан ҳам баҳорнинг анвойи гуллари қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу ерда ҳозир бўлган оммавий аҳборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашди.

— Мен барчамиз учун қутлуг бўлган мана шу улуг айёмда, — деди, жумладан, Ўзбекистон Президенти, — аввалом бор, демократик жамият қуришда фаол қатнашаётган, оғиримизни енгил қилаёт-

ган, уларнинг оқ фотиҳалари ва қимматли ҳаётлари билан кучимизга куч, гайратимизга-гайрат қўшаётган, ёш авлодни мустақил Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда жонбошқлик кўрсатаётган азиз фахрийларимизга ўз миннатдорлигимни билдираман. Уларнинг сафларимизда соғ-саломат юрганликлари бизлар учун катта бойликдир. Фахрийларимизнинг қадрига етмоғимиз, озуларни рўбёга чиқиши учун қўлимиздан келган ёрдамни сира аямаслигимиз керак. Афсуски, баъзан ҳаёт ташвишлари, турли муаммолар билан ўралашиб, уларга етарлича эътибор бермаймиз.

Мен шу улуг айём кунини бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Биз қарияларимизни қанчалик эъзозласак, уларнинг қадрига етсак, ишларимиз шундай қарлайди, ардоқлайди. Нима эксанг, шунини ўрасан, деган нақд бекорга айтилмаган. Буни сира эсдан чиқармаслигимиз керак.

Биз 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан Ғалаба қозондик. Мендан биров Ғалаба кунини ҳақидан дея оласиз, деб сўраса, шундай жавоб берар эдим: бу кун мана шу мусаффо ва тинч осмонимиз учун урушда қурбон бўлганлар кунини, улар хотираси кунини. Бу биринчидан.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари»нинг кўрақ нишонлари тавсифи «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари»нинг кўрақ нишонини тавсифидан кейин қуйидаги мазмундаги матн билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари»нинг кўрақ нишонини тавсифидан кейин қуйидаги мазмундаги матн билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари»нинг кўрақ нишонини тавсифидан кейин қуйидаги мазмундаги матн билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари»нинг кўрақ нишонини тавсифидан кейин қуйидаги мазмундаги матн билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари»нинг кўрақ нишонини тавсифидан кейин қуйидаги мазмундаги матн билан тўлдирилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Касбини ардоқлаганлар

ринчи ярмида Сирдарё институтида таълим олди. Талабалигидаёқ республика «Еш физиклар» олимпиада-сида биринчи ўринни эгал-

фитлари АКШ, Франция каби хорижий давлатларнинг мухтассислари эътиборини ҳам тортди. Унинг мақолалари 10 га яқин хо-

лика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Анжуманига таширф буюрган Ўзбекистондаги барча лицей директорлари Гулистон давлат университети қошидаги Янгир лицейини республикадаги энг яхши лицей деб топилди. Лицей директорининг иш юритиш тажрибасини республика бўйича оммалаштиришга қарор қилинди.

Саме Саматов «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, Ўзбекистон Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаларининг «Бронза» ва «Кумуш» медаллари, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Саме Саматов бутун истеъдодини, кашфиётларини мустикал ўзбекистонини омуруси, шон-шавкати янада юқори кўтаришга баҳида этиб келатган филоий мурабий олимидир.

Рашидбек МАҲМУДОВ, Гулистон давлат университети проректори.

рижий нашрларда эълон қилинди. Ҳозир С. Саматов 100 дан ортиқ илмий-назарий мақолалари, бир неча қўлланмалар, китоблар муаллифидир.


90- йилларда С. Саматов Гулистон шаҳрида мусиқа оҳанги қиланган, фаворада сув ҳам кўтарилади. Оҳанг пасайса, сув ҳам пасайди. Фавора сержило манзара ҳосил қилади.

1991 йилда Янгирда институт қошида лицей очилди. Саме Саматов унга директор этиб тайинланди. Лицейда ўқитиш, таълим-тарбия, интизом яхши йўлга қўйилганлиги учун ҳам битирувчиларнинг 93 фоизи республика олий ўқув юрти-ларига ўқинишга кирди. 1995 йилда лицейда респуб-

лади. Сўнг Сирдарё институтининг ўзида ишлади, шу даргоҳдаги конструкторлик бюросини бошқарди. «Сирдарё-2», «Сирдарё-3» теле-ихтироларини қилди. Унинг кашфиётлари туфайли институтда ўқув жараёнини ре-тор, ўқув бўлими, кафедра мудирилар хоҳлаган пайтда назорат қила оладиган бўлди. Бу яхши самаралар бера бошляди.

Сирдарё педагогика институтида телестудиянинг пайдо бўлиши ҳам Саме Саматов номи билан боғлиқ. Телестудия ҳар кун катта танаффусларда 20 лаҳзалик кўрсатув намойиш қилиб, талабаларга институт янгиликларини етказиб турлади-ган бўлди. Бу тадбир кейин республиканинг кўпгина олий ўқув юртилари ҳаётига жорий қилинди. Саме Саматовнинг каш-

КАШФИЁТЧИ МУАЛЛИМ



80-йилларда республика-миз олий ўқув юртилари орасида Сирдарё давлат педагогика институти олим-лари ўзлари яратган «СПДИ-1» ёпиқ занжирли телевизион системаси билан шуҳрат таратди. Бу кашфиёт халқро кўргазма-ларида «бронза» медали ва диплом билан тақдирланди. Довруқ қозонган, унинг ихтироаси аниқ ким экан-лигига ҳам қизиқиш пайдо бўлди. «СПДИ-1» ихтиро-аси шу институт ўқувчи-си Саме Саматов эди. Қисқа вақт ичида бу олим-нинг номи республиканинг таниқли газеталарида кет-ма-кет кўриниб қолди.

Халқимизга «Минг ҳунарли эл» деб беъжиз таъриф беришмайди. Чиндан ҳам, қадим аждолларимиздан мерос бўлмиш ранг-баранг касб-қорлар асарлар доаманда шаклланиб, мукамма-лашиб, бетакор санъат даражасига кўтарилган. Ёғоч ўймакорлиги ана шундай соҳалардан биридир. Кувончлиси, бугунги ёш авлод ана шу нафис ҳунар сир-асорларини чу-қур ўрганиб, уни давом эттирмоқда. Жиззах шаҳридаги 22-мактабда таш-кил этилган ёғоч ўймакорлиги тўга-раги фаолияти фикримизга далил бўла олади. Бу ерда ўқувчилар ёғоч-дан турли қўтичалар ва кўзалар, пан-нолар, стол ва стуллар ясашиб, улар-га дид билан беэқ беришади. Тўга-рак аъзоларининг ижод намуналари кўплаб болалар кўргазмаларида му-ваффақият билан намойиш этилмоқ-да.



СУРАТДА: тўгарак раҳбари Рашидбек Қодиров ўз шогирди, 8-синф ўқувчиси Шўҳрат Ҳоролов ясаган ашёларни кўздан кечириб, маслаҳатлар бераётти.

МУКОФОТ ҚУТАҒУ БЎЛСИН, УСТОЗ!

Хар бир ин-соннинг ўзинга хос феъл-атвори, фазила-ти бўлади. Бухоро шаҳ-ридаги 14-мактабда матема-тика фанидан дарс бериб келатган Рафӣқ ака Аминов ана шу зоифа устозлар сира-сита кирди. Утган йиллар Рафӣқ ака

учун синов ва изланиш йил-лари бўлди. У истеъдодли, фан сирларини чуқур билишга қарамай тинмай изланади. У киши дарсларини турли кўргазмалар асосида ўтказишга интилади. Рафӣқ аканинг из-ланишлари, фидоийлиги ҳукуматимиз томонидан қадр-ланмоқда. У киши Халқ таъ-лими аълочиси, республика ўқувчилар съезидининг деле-гати. 1994-96 йилларда муал-лимнинг иш тажрибаси вило-ят бўйича оммалаштирилган. Олий тоифадаги ўқувчи ташаббуси билан мактабда биз-нес-синф ташкил этилди. Бу синфларда чуқур ўзлаштири-лувчи дастур бўйича машғулот

ўтилади. Уни тутатган ўқув-чилар махсус дипломга эга бўлишади. Ҳукуматимиз томонидан Рафӣқ аканинг филоий меҳ-нати юксак баҳолашиб, у киши «Шўҳрат» ордени бил-ан тақдирландилар. Бу хуш-хабар биз, шогирдларнинг қалбини фахр туйғусига ше-рик қилди.

С. МУҚИМОВ, Фарғона вилояти.

ТАШАББУС ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Богдоғ туманида бу хабарни эшитиб, тўғриси, ажабланиди: хозирги бозор иқти-содийети шароитида мактаб муддатидан анча олдин янги ўқув йилига шай бўлса? 40-ўрта мактаб 1015 ўқувчи ўқийдиган, ту-мандаги энг катта мактаблардан бўлса...

Қизиқишимиз ортиб мактабга бордик. Ҳақиқатдан ҳам мактабда амалга оширилган ишлар ҳайрат-ланарли: даргоҳ келинчак-нинг уйдек безатилган, са-ранжом-сарийшта. Атрофи кўжаламзорлаштирилган, ортиқча битта чўп топол-майси. Футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ярақлаб турибди. Янгидан барпо этилган сузиш ҳав-заси, теннис корти ҳав-сингизни келтиради. Ичка-рига кирсангиз, ўта нозик дид билан безатилган ка-ридорлар, қатор фан, ком-пьютер, синф хоналари баҳри – дилингни очади. Директор Ёқутхон опа Қундузова таажжубимизни эшитиб, кулимсирди. – Биласизларми, – деди сўнг, – ўқув йили якун-ланганча, ўқувчиларнинг елкасидан юк ағдарилган-дай бўлиб, бирдан бўша-шиб кетишади. Боз устига, йил охирида ишлар тўпла-ниб қолади: якунлар тўғри-сида ҳисоботлар эиш, ат-тестат, гувоҳнома олиб бе-риш, ўқувчиларни дам олиш даргоҳига жўна-тиш ва ҳоказо. Шунинг учун ташмирлаш ишлари-ни баҳорги таътил кунла-рига кўчиришга қарор қил-дик. Ташмирлаш учун зарур бўлган жамик ашёларни таътил кунларига тахт қилиб қўйдик. 124 кишилик аҳд жамоамиз бир тан-Бир жон бўлиб иш бошладик. Мана, натижасини кўриб турибсизлар.

– Бир идишдаги буюқ палон пул. Бу ерда камид... – 2 миллион сўмлик иш бажарилди! – саволимизга жавобни ҳамроҳимиз, «Бог-доғ» телестудиясининг му-ҳаррири Солижон Усмонов берди. – Туманимиз дохи-ми Абдуҳақдор Абдусам-атов илгари мана шу «Пак-такор» жамоа ҳўжалигини бошқарди. Мактабларга ёрдам тариқасида 1 – 1,5 гектардан ер берди. «Экинлар, фойдаланин-лар, мактабнинг кам-қўстига ишлатинлар», деб. Кимдир бог қилди, кимдир пахта эди. Ёқутхон ёш, та-шаббускор раҳбар бўлиш билан бирга усташ пахтакор

ҳам. Утган йили пахтадан олган даромади ҳам чакки бўлмади. – Оталик ташкилотла-римиз ҳам қараб туришга-ни йўқ, – Ёқутхон опа сўзида давом этди. – Таъ-мирлашда, зарур-техника ва ўқув ашёларини сотиб олишимизда «Пахтакор» ширкатлар уюшмаси, ту-ман нон маҳсулотлари корхонаси, умуман туман-даги жамик қурилиш ташкилотлари ўз ҳиссалари-ни қўшилди. Айниқса, «Мустақиллик» ҳиссадор-лик жамиятининг макта-бимизга берган беғараз ёрдами жуда катта бўлди. Аминжон Қодиров, Ман-суржон Ғозиев, Зокиржон Бойбобоев, Тиловоли Кенжаев сингари ота-она-лар ҳам яқиндан ёрдам бердилар.

Натижа ёмон бўлмади. Хозирги замон мактаби қандай бўлиши кераклиги-ни ўзида тула мужассам-лаштирган ўқув даргоҳи бўлиб қолди. Вилоят бўйича халқ таълимига алоқалор раҳбарларнинг кўргазмали семинарини мактаб базасида ўтказдик. Қатнашчилар мактаб иши-га, ундаги ўқувчиларга яра-тилган шарт-шароитларга, ташаббускор жамоага тан беришиб, олам-олам таасуротлар билан ке-тишди. 40-мактабнинг та-шаббуси ҳозир туманимиз бўйича кенг ёйилган. Қўстгина мактабларимиз таъмирдан чиқарилди.

Молдй-техник база-нинг мустаҳкамлиги, шарт-шароитнинг етарли бўлиши ўқувчиларнинг чу-қур билим олишини таъ-минларкан. Мактабда учта лицей синфлари намуна-ли фаолият кўрсатмоқда. Физика, математика, ин-глиз тили фанлари чуқур-лаштириб ўргатилмоқда. Мактаб ўқувчилари ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадаларида туманда ҳаминша биринчилар қа-торида туриб, вилоят белла-шуварларида муваффақият-ли қатнашиб келмоқда. Ўз кучи билан олий илм дар-гоҳларига кирувчи ўқувчи-лар сонининг йилдан-йил-га ошиб бораётгани ҳам қувончлидир.

ДИЛ ИЗЗОРИ

Президентимизнинг ташаббуси билан 1997 йил-нинг 1-сентябрида бирин-чи синфга бораётган ўқув-чиларга барча зарур ўқув қуроллари, дарсликлар ва портфельлар бепул тарқа-тилди. Бундай гамхўрлик-дан қувонган жажжиларни кўрсангиз, беихтиёр кай-фингиз чоғ бўлади.

БИЗ БОЛАЖОН ХАЛҚМИЗ

Яқинда бир муштипар она республика раҳбария-тининг кўрсатаётган гамхўрлигидан беҳад мам-нунигини кўзида севиңч ёшлари билан ифодалади: – Киш-қировли кунлар бошланиб, ўқувчиларнинг мактабга боришлари анча-гина оғирлашган кезларда ўзим мактабдан кўртка ва этик билан қайтганимни кўриб, кўнглим тўлиб кет-ди. «Президент бобомнинг бизга юборган совасини мактабдан бериб юбориш-ди. Қаранг, қандай чирой-ли, исиқчина экан», дей-ди болам... Бу бағри кенг Ватан ҳамма учун ягонадир. Унда етимлар, бағри кемтик ин-сонлар йўқ, чунки ҳамма-сини Ватан бағрига босган. Юртбошимиз ҳар бир та-пида уларнинг бошини си-лаш тўғрисида ташкидлаб ўтадилар, бokuвчиси йўқ болалар учун имтиёзлар ҳақида қонун ва фармон-лар чиқмоқда. Кўки сар-баланд халқ болаларининг талае ва иқболи ҳам баланд бўлиши табиийдир.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ, Самарқанд вилояти, Ғазалкент тумани.



ТАЪЛИМ ТИЗИМИ-ХАТЛАР КЎЗГУСИДА

Хурматли газетхонлар! «Халқ сўзи» газетасининг тахририяти ҳар кун сиз азизлардан кўплаб хат-хабарлар олиб туради. Газетамиз – жамият фикр-ўйлари ва ҳис-туйғуларининг минба-ри сифатида бу мактубларни зинҳор беоқибат қолдирмасликка ҳаракат қилиб келяпти.

Халқ – буюк уммон, фикр-ўйлар-нинг поёнсиз дунёсидир. Пироварди-да, келатган хатларнинг мазмуни ҳам хилма-хил йўналишлардадир. Жумладан, таълим-тарбия соҳаси, бу жаҳада юз бераётган моллар ўзга-ришлар, мавжуд муаммолар уларда

етақчи мавзулардан биридир.

Табиийки, хатларда турли масала-лар устида баҳс юритилади. Шу бо-исдан бу мактубларнинг бир қисми те-гишли идоралар ва муассасаларга тек-шириш ва таҳлилга жўнатилса, яна баъзи бирлари бевосита журналистик текширишлар учун танлаб олинади. Қолганлари газета саҳифаларига бе-риб борилади. Бугун шу мактублар-чилик эътиборига ҳавола этишимиз. Ҳайлайимизки, улар кенг омма ва те-гишли ташкилотлар учун қизиқарли бўлади.

БУГУННИНГ БОЛАСИ

Бундан уч йил аввал «АКСЕЛС» – Ўзбекистон ва Америка ҳамкор-лик жамияти истеъдодли ёшларни АКШга ўқиш учун саралаб олгани-да, улар орасида имтиҳонларни соф инглиз тилида топширган Нозима Тоқиматова Огайи штартидаги кол-лежга қабул қилинган. Нозима яқки йиллик коллежини бир йилда имтиёз-ли тугатди. Бити-риш арафасида АКШ Президентини беш минг нафар талабалар диврасида турган Нозима Тоқиматовга фахрий ёрлик ва эс-далик совасини топшириганида кол-леж узра Ўзбекистон мадаҳиси ба-ралаб янграган эди. Ҳа, уни энг аяловчи ва жамончи талаба деб тан олган эди. Нозима беш тилда бемалол гапирганича...

ФОТОАЙНОМА

КОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

Тошкент тумани Турғун Мирзаев номи жамоа ҳўжали-гидаги 25-мактаб учун янги бино қурила бошлаганига 7-8 йил бўлиб қолди. Бироқ, унинг йи-чки-бери битилган сиёғи йўқ. Йи-чки қавати тикланган мактаб биноси атрофини дангиллама уйлар ўраб олган, мактаб қури-лиши эса ўлла-жўлда, гишлар-ни ураб ётибди. Ҳатто қури-лишга фойдаланилган кўтарма қранч ҳам умилсизликка туш-гандек тумшугини ерга тира-ган. У энди тумшугини кўтара оладими ё йўқми, буюм но-маълум, чунки қаровсиз қран-чи болалар уйнаб, қўстгина эҳтиёт қиёмларини сочиб таш-лашдиби.

Жамоа ҳўжалиги райси Хайрулла Мирзаев ҳам, туман халқ таълими бўлимининг хо-диллари ҳам бу «чала мактаб»-нинг холидан беҳабар бўлма-салар керак. Агар беҳабар бўлсалар, унда қуйидаги суратта бир кўз ташласалар, ёмон бўлмасди. Давлатнинг қанча-дан-қанча маблағи сарфлаб қурилган бино ҳўжасизлик ва бепарволик оқибатида нураб ётибди. Эссиз ҳаражат-у эссиз ҳаражат...

СУРАТДА: Турғун Мирзаев номи жамоа ҳўжалигидаги 25-мактабнинг қаровсиз қолган янги биноси.



БЎСТОНЛИҚДАН МАКТУБ

Бўстонлик тумани Нанай қишлоғидаги 44-ўрта мактаб биноси 1988 йили қор кўп ёққан-лиги боис қаттиқ зарар кўрганди. Чунки мактаб биносининг қурилганга 60 йилдан ошган, наҳса деворлари ёрилиб, бойдевори чўкиб кетган. Мухтассислардан иборат ком-миссия мактабни келиб кўргач, болаларни ўқитиш учун нолийлик деб топди. Болаларни жамоа ҳўжалишининг идорасида ўқитиб туришни тавсия этдилар. 1989-90 ўқув йилида янги мактаб биноси қурилиб, болаларга топшириши ҳақида ваъ-да берилди. Дарҳақиқат, тез орада қури-лиши ишлари бошилган кетди, бир йил бо-йинида 824 болага мўлжалланган мак-таб биносининг қарийб 50 фоизи битди. Лекин тўсатдан қурилиш ишлари таққа тўхтади. Қурувчилар эса сувга тушган тошибдек мойиб бўдилар. Чала-чулпа мак-таб эса ҳамон қор-ёмғир остида нураб ётибди.

Толиб ВАКИЛОВ, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани.

НОГИРОН ЎҚУВЧИЛАР ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-сининг ўтган йилги тўққизинчи сессиясида «Таълим ҳақидаги» Қонун ҳамда «Қадрлар тайёр-лаш бўйича Миллий дастур»нинг қабул қилини-ши айни мундасо бўлди. Шулардан келиб чиқиб, биз ҳам махсус таълим муаммолари ҳусида ай-рим мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Матлумки, оммавий мак-таблардан ташқари қар-соқов, ақдан заиф ва кўзи оғизларга бериладиган махсус таълим ти-зини ҳам борки, бу тармоқ-ларнинг ҳар бирида ўзинга хос қийинчиликлар, муаммолар ва етишмовчиликлар мавжуд. Республикаимизда саккизта мах-сус мактаб-интернат бўлиб, уларда бир ярим мингдан кўпроқ кўзи оғиз болалар тар-бияланишади. Барча ногиронлар мактаб-интернатларига хос битта му-аммо борки, уларни маҳаллий шароитда, яъни фақатгина ҳокимликлар ёрдамида ҳал этишининг иложи йўқ. У ҳам бўлса, ўқув қуроллари, яъни гриффилар, брайлча ёзув қоғоз-ларининг мўлақо йўқлиги, дарслик ва адабиётларининг етишмаслигиндир. Бу масалалар фақат республика Халқ таъ-лими вазирлигининг ёрдами туфайлигина ижобий ечими-

Олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида таълим олаётган юзлаб кўзи оғиз талабалар ушбу муаммолар туфайли фан сирларини чуқур эгал-лаш борасида азият чекмоқ-далар. Бунинг устига, кўзи оғиз талабалар учун брайл-ча дасрликлар умуман йўқ. Мазкур таҷчилликлар боис, кўзи оғизларимизга маданият-матрифиё хизмат кўрсатувчи кутубхоналари-мизда бадиий адабиётларининг сони ҳам сўнгги йилларда айтарли даражада ўсмай қол-ди. Кўзи оғизлар жамияти-нинг «Бир сафда» номили журнали, ногиронлар, қар-со-қовлар ва кўзи оғизлар жа-мийатининг «Қадрият» деб ноимланувчи газетасининг мунтазам чиқиб туришини таъминлаш ҳам муаммолари-миздан биридир. Бу наслар бизга жуда зарур. Махсус таълимдаги муам-моларни бартараф этишга те-гишли вазирликлар ва ило-ралар жиддий туриб ёндаша-дилар, деган умидимиз.

Ақдор ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Қўзи оғизлар жамияти Бухоро вилояти бошқаруви раёсатининг раиси.

Биз унинг... 12.11.1998

Матлумки, оммавий мак-таблардан ташқари қар-соқов, ақдан заиф ва кўзи оғизларга бериладиган махсус таълим ти-зини ҳам борки, бу тармоқ-ларнинг ҳар бирида ўзинга хос қийинчиликлар, муаммолар ва етишмовчиликлар мавжуд. Республикаимизда саккизта мах-сус мактаб-интернат бўлиб, уларда бир ярим мингдан кўпроқ кўзи оғиз болалар тар-бияланишади. Барча ногиронлар мактаб-интернатларига хос битта му-аммо борки, уларни маҳаллий шароитда, яъни фақатгина ҳокимликлар ёрдамида ҳал этишининг иложи йўқ. У ҳам бўлса, ўқув қуроллари, яъни гриффилар, брайлча ёзув қоғоз-ларининг мўлақо йўқлиги, дарслик ва адабиётларининг етишмаслигиндир. Бу масалалар фақат республика Халқ таъ-лими вазирлигининг ёрдами туфайлигина ижобий ечими-



Баҳор гулдан сўйлайди, Олам ойдин-нурчечак. Рангин-рангин кўйлайди Қўлимдаги Гулчечак. Т. КАРИМОВ сурат-лаҳзаси.

ЭНГ ЯҚИН ҲАМРОҲ

Ташкил топган кунидан бошлаб ўқувчилари доирасини тобора кенгайтираётган «Жаҳон адабиёти» журналининг 1998 йилдаги 1-сонни босмадан чиқди. Журналнинг илк саҳифаларида «Сархисоб» сарлаҳзаси остида бир гуруҳ адабиётшунос олимларнинг давра суҳбати эълон қилинган. Унда асосан миллий адабиёт ва маънавий бойлик ҳусусида фикр юритилади. Улар ранг-баранг ва кўп қиррали бўлиб, ўқувчини мунозарга чорлайди.

Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан КУТИЛМАГАН ХАЗИНА
Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан аллома туғилган юрт - Кува туманидаги қадимги Шаҳристон тепалигида республика Фанлар академияси Археология институти олимлари кенг қўламда ўтказилган қазилма ишлари давом этмоқда. Археологлар қутилмаганда дуч келган саккизинчи асрнинг бошларида оид ноёб тангалар мутахассислар орасида айниқса катта қизиқиш уйғотди.

СПОРТ КАМОНЧИЛАР ИМТИХОНДАН ҲАМ
Май ойининг охирида Туркияда бўладиган камондан ўқ отиш бўйича халқаро мусобақа олдидан Фарғонада йигитлар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги учун беллашувлар бўлиб ўтди.

БУГҮН ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ

Бу саволга республика соғлиқни сақлаш музейи директори, «Ҳамшира» журнали бош муҳаррири ўринбосари Абдуқарим Усмоновга савол берилди.
— Бугун дунё ҳамширалари ҳар йили 12 май кунини халқаро ҳамширалар кунини нишонлайдилар. Мазкур санада бугун дунё ҳамширалари ҳаракатининг асосчиси Флоренс Найтингейл туғилган. Афсуски, бу байрам ҳақида биз жуда кеч билдик.

Будапешт-Очиқ Жамият Институти ОЧИҚ ЖАМИЯТ ЯНГИ СТИПЕНДИЯСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мазкур танловни ўтказишдан асосий мақсад тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, нашрларни чоп этиш ёки ноҳукумат секторидagi фаолиятни жонлантириш, шунингдек Сорос жамғармалари тармоғининг турли дастурлари ривожланишининг қуйидаги йўналишларини рағбатлантиришдан иборатдир:
1. Мақтабгача, бошланғич ва ўрта таълим;
2. Олий таълим;
3. Маданият;
4. Ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ва жамият бошқаруви;
5. Фуқаролик жамияти ва унинг шохобчалари ривожланиши;
6. Оммавий ахборот воситалари;
7. Миялат ва элгаларнинг ҳуқуқлари масалалари;
8. Иқтисодий ислохотлар ва менежмент маълумоти;
9. Ноширлик фаолияти;
10. Кутубхоналар ва электрон боғланиш тизимлари;
11. Умумий тиббиёт ва соғлиқни сақлаш;
12. Гендер интеграцияси;

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат кизмати маълумот беради!
Утган ҳафта давомида тупроқ намлик даражасининг юқорилиги ва ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиши натижасида кўчклар содир бўлиши давом этди. Тошкент вилоятининг Бустонлик ва Ҳангарон, Самарқанд вилоятининг Уруғ, Наманган вилоятининг Поп, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Деҳқонобод, Сурхондарё вилоятининг Узун туманларида ерларда йирик ёриқлар пайдо бўлиб, бу ҳолат ер силжигиша олиб келди.

OGU'98 Сизни

“НЕФТЬ ВА ГАЗ - 98”
Ўзбекистон иккинчи халқаро кўргазмасига таклиф этамиз.
Кўргазма 1998 йил 19-21 май кунлари Республика савдо-кўргазма маркази “Ўзэкспомарказ”да бўлади.
Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107.
Кўргазманинг ишлаш вақти:
Сешанба, 19 май 13.00-18.00
Чоршанба, 20 май 10.00-18.00
Пайшанба, 21 май 10.00-16.00
Шунингдек, Сизни
“НЕФТЬ ВА ГАЗ - 98”
Ўзбекистон иккинчи халқаро конференциясига таклиф этамиз.
Конференция
1998 йил 20-21 май кунлари “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107-А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиши академияси қуйдаги ихтисосликлар бўйича 1998 йил учун ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда ўқиш учун Академия аспирантура ва докторантурасининг вакант ўринларига қабул эълон қилади.

Аспирантурага:
08.00.01 - Иқтисодий назария.
08.00.05 - Бошқаруш ва халқ ҳўжалигини ташкил этиш (менежмент).
08.00.07 - Молия, кредит ва пул муомаласи.
08.00.13 - Маркетинг.
09.00.10 - Сиекат фалсафаси.
10.01.03 - Миллий адабиёт тарихи (Ўзбек адабиёти).
10.01.06 - Хорижий шарқ халқлари адабиёти.
12.00.01 - Давлат ҳуқуқ назарияси ва тарихий, сиесий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.
12.00.02 - Давлат ҳуқуқи ва бошқаруш, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.
23.00.02 - Сиесий институлар ва жараёнлар.

Докторантурага:
08.00.01 - Иқтисодий назария.
08.00.05 - Бошқаруш ва халқ ҳўжалигини ташкил этиш (менежмент).
08.00.07 - Молия, кредит ва пул муомаласи.
08.00.13 - Маркетинг.
09.00.10 - Сиекат фалсафаси.
10.01.03 - Миллий адабиёт тарихи (Ўзбек адабиёти).
10.01.06 - Хорижий шарқ халқлари адабиёти.
12.00.01 - Давлат ҳуқуқ назарияси ва тарихий, сиесий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.
12.00.02 - Давлат ҳуқуқи ва бошқаруш, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.
Ҳўжжатлар шу йилнинг 30 майгача қабул қилинади. Маълумотлар олиш учун Академия аспирантура бўлимига мурожаат қилинг.
Манзилгоҳимиз: Ўзбекистон шох кўчаси, 45-уй.
Телефон: 457-72-67.

“ХАЛҚ СҮЗИ” “НАРОДНОЕ СЛОВО”
Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
БЎЛИМЛАР:
Дарҳамак 133-57-34;
Хўш ва қизиқчилик 136-07-94;
Иштироки 136-36-65;
Кўлаҳ ҳўжалиши 136-37-85;
Миллатлар 136-35-60;
132-10-65;
Навбат 136-29-49;
133-07-48;
Фан, тарих, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро таълим 132-11-15;
Котибат 133-10-28;
Эълонлар 136-09-75.
Рўнжатдан ўтиш тартиби № 001
Бўйортема Г - 019, 35059 нуҳда босилди, ҳажми - 2 тўбок. Офсет усулида босилган.
Қозоқ бичими А-2
Газета IBM компьютерда терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Ҳақиқияти ҳажми 3 ҳўжага эгил. Маълумотлар қабул қилинади.
С.МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир - М. Сафаров.
Навбатчи - А. Жураев.
Музеҳҳак - Ш. Машираббоев.
“Шарқ” нашриёт-матбаа концернини босмакхонаси, Корхона манзили: «Буюк Турун» кўчаси, 41.
Босишга тошириш вақти—21.00
Босишга тоширилади: 01.10 1 2 3 4 5 6